
Туман ҳокими қабули

□ Бугун Бешариқ туман Халқ қабулхонасида туман ҳокимининг навбатдаги қабули ўтказилди. Унда туман ҳокими Расулжон Жўраев, Халқ қабулхонаси мудир Рўзматов Зиқирилло, ҳокимлик котибяти мутахассислари ҳамда мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Мазкур қабулда жами 41 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди. Моддий ёрдам, ишга жойлаштириш, коммунал, банк кредити, даволаниш ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олиниб, 14 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 8 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, қолган мурожаатлар бўйича масъулларга топширик берилди.

2023-05-13 11:27:46